

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК 336.14(575.151)**

ОЛЛОКУЛОВА ФЕРУЗА МАНСУРОВНА

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР МАНБАИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун
тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Ташмурадова Бувсара Эгамовна,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Тошкент-2022

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ	12
1.1-§.	Маҳаллий бюджет даромадларининг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари.....	12
1.2-§.	Маҳаллий бюджет даромадларининг ўзига хос хусусиятлари.....	20
1.3-§.	Маҳаллий бюджет даромадларининг меъёрий-ҳукукий асослари.....	30
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	37
II БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА МУАММОЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ	39
2.1-§.	Ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш йўналишлари.....	39
2.2-§.	Маҳаллий бюджет даромаларини прогнозлаштиришда бюджет тизими бўғинлари имкониятларини тенглаштириш амалиёти.....	46
2.3-§.	Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг илғор хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари.....	76
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	92
III БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	94
3.1-§.	Маҳаллий бюджет даромадлар манбаини оширишдаги муаммолар.....	94
3.2-§.	Маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаини оширишнинг истикболли йўналиши.....	101
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	112
	ХУЛОСА	113
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	115

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бюджет-солиқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаини кенгайтириш бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадлар қисмида ер, мулк ва кўчмас мулклардан олинadиган солиқлар асосий улушни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат бюджети даромадлари таркибида маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоқли улушни эгаллайди. Хусусан, бу кўрсаткич Японияда ўттиз фоиз, Буюк Британияда ўттиз уч фоиз, Австрияда ўттиз тўрт фоиз, Францияда ўттиз саккиз фоиз, Португалияда ўттиз тўққиз фоиз, Норвегияда эллик саккиз фоиз, Люксембургда олтмиш фоизни ташкил этади¹. Бугунги кунда халқаро амалиётда давлат молиясини бошқариш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда маҳаллий бюджет тизими даромад манбаларини илмий асосланган ҳолда белгилаш, солиқлар воситасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш, турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш, бюджет трансфертларини ажратишда ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ва унинг шаффофлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг табиий ва моддий ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни, маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ <https://internationalwealth.info/tax-planning/nalogi-v-2020-godu-analiz-fiskalnoj-politiki-v-raznyh-stranah>

Солиқлар тизимини такомиллаштириш орқали бюджетлараро мутаносибликка эришиш, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигига эришиш, шунингдек, уларнинг мустақил фискал сиёсатини юритишга оид кўшимча даромадларини шакллантириш йўналишларини такомиллаштириш, бюджетлараро муносабатларда солиқларни улушли тартибда тақсимлаш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «... ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас»²лиги, «... маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур»лиги, «... маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим»³лиги борасидаги фикрлари ушбу масалага янада ойдинлик киритади. Чунки бундай шароитда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқли даромадлар базасини мустаҳкамлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади ва мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Ҳудудларнинг жадал

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 33.